

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД
ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ МАРКАЗИ

ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА TUTGAN ЎРНИ

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ
МАТЕРИАЛЛАРИ



Hech narsamiz yo'g'-u hech narsa kam emas,
Hech narsaning yo'qligi bizga vale g'am emas.
Jandamiz yelkamizda, ortimizda go'riston
Agar o'lsak, bizga hech motam emas.

Bahouddin Naqshband

БУХОРО – 2023
«БУХОРО НАШР» НАШРИЁТИ

87.7

Х 70

"Хожагон-Нақшбандия тариқатининг ёшлар тарбиясидаги урни"
[Матн] : мақолалар тўплами .- Бухара: Бухоро нашр, 2023.-244 б.

КБК 87.7

**БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ
МАРКАЗИ
ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ ЁШЛАР
ТАРБИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ МАТЕРИАЛЛАРИ**

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Фармон Аминов – Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси
маркази раиси, тарих фанлари номзоди,
доцент.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Гулчеҳра Наврўзова – фалсафа фанлари доктори, профессор.
Гуландом Юнусова – фалсафа фанлари доктори, доцент.

Тўпламда мусулмон оламида машҳур нақшбандия тариқатининг асосчиси, авлиёлар султони, буюк тарбиячи, атоқли аллома Ҳазрат Саййид Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанднинг 705 йиллик юбилейига бағишланган илмий-назарий анжуман материаллари киритилган. Илмий мақолалар нақшбандия таълимотининг умумназарий, илмий-фалсафий таҳлилига бағишланган тадқиқотлардан таркиб топган.

Тўпламга республикаимизнинг турли ҳудудларидан файласуф, филолог, мударрис ва тарихчи олимларимизнинг мазкур таълимотнинг ўрганилиши ва тарихи, аҳамиятига бағишланган мақолалари киритилган.

Тўплам олий ва ўрта махсус таълим йўналишидаги барча ўқув юр்தларининг, мусулмонлар идораси ҳузуридаги олий ҳамда ўрта махсус таълим муассасалари мударрис ва талабалари, шунингдек, барча қизиқувчилар учун тавсия этилади.

**Мақолалардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва имло
жиҳатларига муаллифлар масъулдирлар**

ISBN 978-9910-9662-5-5

© «BUXORO NASHR» NASHRIYOTI



МУНДАРИЖА

Фармон АМИНОВ. Ғолиб БАРОТОВ. Ёшлар маънавиятини шакллантириш – ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида	6
Гулчеҳра НАВРЎЗОВА. Баҳоуддин Нақшбанд маърифат хусусида.....	9
Жобир ЭЛОВ. Алоуддин Аттор ва Нақшбандия тариқати “олтин силсила”си.....	13
Султонмурод ОЛИМ.“Лисон ут-тайр”да “Нақш” тимсоли талқинлари.....	19
Ғафуржон РАЗЗОҚОВ. Хожагон-Нақшбандия тариқатининг вужудга келиши, ёйилиши ва хорижий ўлкаларга тарқалиши.....	27
Комилжон РАҲИМОВ. Хожагон-Нақшбандия таълимоти асослари	35
Лутфия МИРЗАЕВА. Нақшбандия таълимотининг руҳий-маънавий, тарбиявий аҳамияти	45
Гуландом ЮНУСОВА. Тасаввуф аҳли наздида касб-корга муносабат	52
Ойгул ШАРИПОВА. Тасаввуфий манбаларда “Етти пир” ҳақида.....	56
Ибодат РАЖАБОВА. Хожа Баҳоуддин мероси – хазина.....	63
Рамазон БОБОКАЛОНОВ. Ҳазрат Хожаи Бузург ва Хожа Муҳаммад Порсонинг “Қудсия” рисоласи ҳақида.....	67
Бобир НАМОЗОВ. Амир Темур ва темурийлар даврида нақшбандия ва унинг намояндларига муносабат	73
Фируз МУЗАФФАРОВ. Имом Ғаззолий шахсиятини англашда баъзи бир мулоҳазалар	76
Зиёда ҒАФҒОРОВА. Навоий асарларидаги аёллар тимсолида комиллик талқини.....	81
Бахтиёр ФАЙЗУЛЛОЕВ. Тасаввуф ва адабий алоқалар тадқиқотчиси (профессор А.Абдуқодиров илмий фаолиятига қисқача чизгилар)....	85
Мавлонберди СУЮНОВ. Навоий (Фоний) татаббуларида тасаввуфий масалалар талқини.....	90
Марҳабо ПАРДАЕВА. Ҳалол меҳнат ва касб ҳунар эгаллаш афзаллигининг навоий ижодида акс этиши	99
Зафар ФАХРИДДИНОВ. Ҳаким Термизийнинг марказий осие тасаввуфий муҳитидаги ўрни	104
Озод МЎЪМИН ХЎЖА (Муминов Азад Пўлатович). Нақшбандия – ёшлар учун зарурий таълимот.....	110
Лобар АСРОРОВА. Вақф ҳужжатларида “Етти пир” зиёратгоҳлари таъминоти масаласи	116

Эркин ЗОЙИРОВ. Яъқуб Чархий – нақшбандия тариқати назариётчиси	123
Давронбек ҚОДИРОВ. Абулқосим Қушайрийнинг нақшбандия силсиласи билан боғлиқлиги	127
Lazizbek ХАЙТОВ. Hakim Termiziyning “Al-aql val-havo” risolasi xususida	130
Сухробжон БОБОКАЛОНОВ, Раъно РАУПОВА. Авлиёлар Ирфоний неъматлари ва илоҳий қудрати.....	134
Дилфуза НАРЗУЛЛАЕВА. Оилавий-маиший маросимларнинг тарбиявий аҳамияти	139
Anorgul GULOVA. Hojagon-Naqshbandiya ta’limoti vakili Alisher Navoiyning irfoniylar qarashlarida oriflik masalasi.....	144
Салимжон ЭВАТОВ. Марказий осиё тасаввуф тариқатларидаги инсонпарварлик ғоялари ва уларнинг бугунги кундаги аҳамияти.....	147
Беҳзод ДЕХҚОНОВ. Нақшбандия тариқатида бағрикенглик.....	153
Мунисхон ГУЛАМОВА. Манбаларда Хожа Муҳаммад порсо ҳақида	159
Бафо ШОДИЕВ. Авлиёлар шеърлари	164
Назира АЗИМОВА. Основатель суфийского ордена нақшбандия....	168
Муҳаббат АСРОРОВА. Нақшбандия фалсафаси М.Н.Болтаев таҳлилларида.....	172
Сайёра САЙИДОВА. Ислоҳ дунёсининг миллий қадриятлари ва тарихий обидалари.....	177
Nasiba IBODOVA. O‘zbekiston falsafiy tafakkurida Ibrohim Mo‘minovning tutgan o‘rni.....	182
Гавҳар ИСТАМОВА. “Насойим ул-муҳаббат”да Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва Орифа аёллар талқини.....	187
Меҳрожиддин АМОНОВ. Мусохон Хожа Сармежий ҳаёти ва фаолияти.....	193
Ориф АМОНОВ. Қалб соғлиги – жисм ва руҳ саломатлиги.....	199
Нодира РАХИМОВА. “Аврод” – руҳий-маънавий манба сифатида	204
Суннатилло РАХМОНОВ. Амир Темур ва Амир Кулол ўртасидаги муносабатлар	207
Дилбар НАИМОВА. Абдулхолик Ғиждувоний таълимотини ўрганишнинг талабалар тарбиясидаги аҳамияти.....	213
Миржон ЭГАМБЕРДИЕВ. Маърифат йўлида.....	216
Муҳсин АМОНОВ. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари	218

Эркин РАҲМАТОВ. Баҳоуддин Нақшбандинг пешқадам шогирди	221
Ibrohim TEMIROV. Vatandoshimiz va buyuk muhaddis Abu Iso Termiziyning hadis ilmiga qo'shgan hissasi.....	226
Dilovar SULTONOVA. Naqshbandiya ta'limoti va uning tarbiyadagi beqiyos ahamiyati	229
Dilafroz GULAMOVA. Barkamol avlodni tarbiyalashda Imom Buxoriy merosining ahamiyati	236
Dilorom SHOMURODOVA. Xojagon Naqshbandiya ta'limoti – ma'naviyatimiz tayanchi	240

МУСОХОН ХОЖА САРМЕЖИЙ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ

Меҳрожиддин АМОНОВ

*Имом Бухорий халқаро илмий
тадқиқот маркази илмий ходими,
т.ф.н. Самарқанд.*

Нақшбандия-мужаддия мусулмон жамиятининг барча жабҳаларига таъсир қилувчи кучга айланиб, унинг намояндалари орасида ҳукмдорлар, давлат арбоблари, зиёлилар ва оддий халқ вакиллари бўлган. Тариқатнинг Ўрта Осиёдаги шайхлари, раҳнамолари ҳам янгиланган тамойиллар ва ғоялар билан қуроолланган ҳолда, турли ҳудудларда фаолият юритган.

Мужаддийлар жамиятга нафақат руҳий-маънавий, балки, шу билан бирга сиёсий-иҷтимоий ва маданий жиҳатдан ҳам таъсир кўрсатган. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон ва дунё тарих ва исломшунослигида нақшбандия-мужаддиянинг ғоялари, тамойиллари, босиб ўтган йўли, тариқат пирлари фаолияти, тариқат марказларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, тариқатнинг Марказий Осиёдаги ғоялари, айрим ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, сулук намояндаларининг ҳаёти ва фаолияти алоҳида диққат-эътиборга сазовордир.

Марказий Осиёда XVIII-XIX асрларда нақшбандия-мужаддия тариқатининг Мусохонхожа Даҳбедий тармоғи вакили Муҳаммад Мусохон Сармежийнинг ҳаёти ва фаолияти изланишларида қисман ёритилган, баъзиларида ҳудуддаги зиёратгоҳлар ҳақида сўз кетган бўлса-да, бу ҳақда муайян маълумот учрамайди (Суюндик, 2010; Рустам, 1996).

Тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда нақшбандия-мужаддия тариқатида фаолият олиб борган Муҳаммад Мусохон хожа Сармежий ва унинг авлодлари ҳаётини ёритиш, эпиграфик манбаларни аниқлаш ва уларнинг тарихини ўрганишдан иборат.

Мақолани тайёрлашда Навоий вилояти Хатирчи туманидаги “Қатағон” қабристонида жойлашган зиёратгоҳда мавжуд қабртошлардаги эпиграфикага оид манбалар ўрганилди. Тадқиқот жараёнида умумлаштириш, таққослаш, қиёсий-тарихий, микротарихий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Олиб борилган илмий изланишлар натижасида Муҳаммад Мусохон хожа Сармежийнинг авлодларига тегишли Қатағон қабристони (ҳозирги Навоий вилояти Хатирчи тумани Эшонқишлоқ ҳудуди)даги қабртошлардан эпиграфик маълумотлар олинди.

Хатирчи тумани – қадимда Сўғд ҳудудига қараган, иқлими мўътадил, ерлари унумдор бўлган.

Қабристон Зарафшон дарёсининг ўнг соҳилида, қадимий Дабусия қалъасининг шимоли-шарқий томонида жойлашган. Қабристоннинг жануби-шарқий қисмида Хожа Яҳё ибн Мусохон хожа Сармежий ва авлодлари хилхонаси мавжуд. Хилхона усти очиқ, 30x15 м майдонни эгаллаган бўлиб, у ерда олти қабртош ўрнатилган, тўрттасида эпиграфик ёзув сақланган.

1-қабртош. Ўлчами 120x60 см.

”در تاريخ شهر ذوالحجة
سنه ۱۲۹۲ بودكي معصوم با حاسيت ان يحي
خواجه وفات يافت“

Таржимаси:

Хожа Яҳё 1292/1875-76 йил зулҳижжа/декабр-январ ойида вафот этди.

2-қабртош. Ўлчами 150x30 см.

”سيد جلال الدين خواجه ولد ايشان يحي خواجه سنه ۱۳۰۷ وفات يافتند“

Таржимаси:

Саййид Жалолиддин хожа Эшон Яҳё хожа ўғли 1307/1889-90 йилда вафот этди.

3-қабртош. Ўлчами 140x30 см.

”سنه هزار سي صد دو بودكي زين الدين خواجه وفات يافت“

Таржимаси:

Зайниддин хожа 1302/1884-85 йилда вафот этди.

4-қабртош. Ўлчами 125x18 см;

”فضل الدين خوجه ولد زين الدين خوجه“

Таржимаси:

Фазлиддин хожа Зайниддин хожа ўғли.

2012 йилда Яҳё хожа авлодлари томонидан Мусохон хожа шайхулисом, Яҳё хожа, Жалолиддин хожа (Индамас эшон (Ўроқхон,

2005: 25), Низомиддин хожа номлари ва уларнинг аждодлари ҳақида қиқача маълумотлар ёзилган мармар лавҳ ўрнатилган.

Хилхонанинг шимолида Домла Пирмуҳаммад валади мулла Аваз Муҳаммад Урганжий номи қайд этилган қабртошда, 1315/1897-98 йилда вафот этганлиги ёзилган.

Эпиграфик маълумотлардан Яҳё хожа, унинг ўғли Жалолиддин хожа, унинг ўғли Низомиддин хожа экани, шунингдек, Фазлиддин хожа Зайниддин хожанинг ўғли экани маълум бўлса-да, аммо Зайниддин хожанинг ўзи кимнинг фарзанди эканлиги номаълум.

Мармар лавҳда Низомиддин хожа Жалолиддин хожа ўғли экани айtilган. Лекин унга тегишли қабртош учратилмади. Эҳтимол ёзуви сақланмаган қабртошларнинг бири унга тегишлидир.

Муҳаммад Мусохон хожа Сармежийнинг (ваф. 1251/1835) устози Муҳаммад Амин Даҳбедий (1152/1739–1229/1814), унинг устози Мусохон хожа Даҳбедий (1708–1190/1776)дир.

Сармежийнинг шогирди Муҳаммад Умар (ваф. 1284/1868) бир вақтнинг ўзида нақшбандия-мужаддиия ва жаҳрия-султония (яъни яссавия) тариқатида фаолият олиб борган.

Муҳаммад Мусохон хожа Сармежий шайхулислом асли Нур қалъасига тобе бўлган Сармеж қишлоғида (Бухорий, 1328/1926: 104-105) таваллуд топган. У шайх Худойдоди Вали авлодидандир (яъни она томондан бобоси Абдулбосит хожанинг онаси шайх Худойдоди Валийнинг қизи ва Амир Тақииддиннинг хотинидир). Носириддин Бухорийнинг айтишига қараганда, Муҳаммад Мусохон хожа бир куни бобокалони шайх Худойдоди Валий Азизон хонақосида чилла ўтириб, жаҳрий зикр билан машғул бўлган ва шунда бобосидан маънавий-руҳоний тарзда “жаҳрий” зикрга рухсат олган. Шундан кейин у хуфия ва жаҳрия силсиласини давом эттиргани эслатиб ўтилган. Бироз муддат ўтгач Бухоро ҳукмдори фармониға мувофиқ, бир ой муддат шайхулислом лавозимида фаолият кўрсатган. Вафот этгач Мавлоно Муҳаммад Шариф қабри ёнига дафн этилган.

Мақсуди Даҳбедий ўз асарида, Бухоро Амири Муҳаммад Мусохонни мазкур лавозимға тайинлаганини маълум қилади. У 1249/1833 йили (Мақсуд Даҳбедий, Ориф ҳикмат кутубхонаси инв №1710-261/44. 269^а варақ) Бухородан Даҳбедға қайтаётиб йўлда Кадан мавзесидаги бир хонақоҳда Муҳаммад Мусохон хожа шайхулисломни кўрганини айтиб, ул зотнинг 1251/1835 йилда вафот этганини таъкидлаб ўтади. Демак, Мусохон хожа шайхулислом Сармежий 1835

йилда вафот этган. Шунингдек, уни Бухорога таклиф қилган ҳукмдор Амир Насруллоҳ эканлиги ойдинлашди.

Муҳаммад Мусохон хожа Сармежийнинг шогирдларидан бири бўлган Мавлоно Умар бир вақтнинг ўзида нақшбандия ва яссавия тариқатларида фаолият олиб борган. Нақшбандияда устози Муҳаммад Мусохон хожа бўлса, яссавияда устози халифа Худойдод, унинг устози Лутфуллоҳ Азизон, унинг устози Фазлуллоҳ Азизон, унинг устози Мавлоно Муҳаммад Шариф Бухорий, унинг устози Муҳаммад Олим шайх Азизон орқали Худойдоди Валий Ғазирагийга уланган.

Мавлоно Умарнинг отаси Абдулазиз, унинг отаси ҳожи Муҳаммад, унинг отаси Тошмуҳаммад Азизондир. Мавлоно Умар 1284/1868 йили 87 ёшида Хоразмда вафот этган.

Муҳаммад Мусохон хожа Сармежийдан кейин нақшбандия-мужаддиция силсиласида нафақат шогирдлари балки ўзининг фарзанду набиралари ҳам фаолият кўрсатган.

Шахсий фондда сақланаётган нодир ҳужжатлардан бири Ғойибназар Муҳаммад Собир ўғлига тариқат таълимотини давом эттириш учун устози Жалолиддин хожа томонидан 1299/1880 йилда берилган иршодномадир. Иршоднома Самарқанд қоғозига ёзилган бўлиб, ўлчами: 53x24,5 см, 19 қатордан иборат, матн аввалида ҳамду сано ва салавотдан сўнг нақшбандия-мужаддиция-даҳбедия силсиласи иршод соҳибига қадар кетма-кет баён этилган. Ҳужжатда тўртта муҳр бор. Матннинг 12 қаторида ўлчами 2,7x1,7 см.ли муҳрда “Яҳё хожа ибн Эшон Мусохон хожа Сармежий”, деб ёзилган. 13 қатордаги ўлчами 2,5x1,5 см.ли муҳр “Жалолиддин хожа ибн Яҳё хожа”га тегишли. Ҳужжатнинг охирида яна иккита бир хил муҳр урилган. Муҳр ўлчами 2x2 см. бўлиб, “Низомиддин хожа ибн Жалолиддин хожа”га мансубдир.

Демак, силсилани Муҳаммад Мусохон хожа Сармежий вафотидан сўнг ўғли Яҳё хожа, кейин унинг ўғли Жалолиддин хожага давом эттирган. Ўз навбатида бундан Жалолиддин хожа ўзининг шогирди Ғойибназар Муҳаммад Собир ўғлига тариқат таълимотини давом эттириш учун иршоднома берганлиги маълум бўлди.

Ота-бола ўз даврида тариқат муршидлари бўлгани, атрофида кўплаб шогирдлар тайёрлагани ва фарзандлари тарбиясига алоҳида эътибор бериб, тасаввуф илмини пухта ўрганишлари учун шарт-шароит қилингани маълум бўлади. Шунингдек, баъзан тариқат

силсиласини кетма-кетликда бир авлод вакиллари давом эттириш ҳолати кузатилган. Жумладан, нақшбандия-мужаддиция муршиди Муҳаммад Хусайн ўз ўғли Абдусатторга, у ўғли Эшмуҳаммадга, у ўғли Убайдуллоҳга рухсат берган, яна нақшбандия-мужаддициянинг Сўфи Оллоҳёр тармоғида фаолият олиб борган шайх Мирзо Абул Ҳасан ўз ўғли шайх Мирзо Абул Фатҳга, у эса ўғли шайх Мирзо Абул Туробга ижозат берганини келтириб ўтиш мумкин.

Муҳаммад Мусохон хожа Сармежийнинг авлоду аجدодлари шажараси борасида сўз юритадиган бўлсак, унинг отаси Ҳасан хожа, унинг отаси Лутфуллоҳ хожа ибн Файзуллоҳ хожа ибн Абдуллоҳ хожа ибн Абдуллатиф хожа ибн Абдулбосит хожа ибн Амир Тақийддин ибн Амир Маҳмуд ибн Амир Шамсуддин ибн Амир Иброҳим ибн Амир Ҳож ибн Саййид Али ибн Саййид Шарафиддин ибн Саййид Хусайн ибн Саййид Исмоил ибн Имом Жаъфари Содик ибн Имом Муҳаммад Боқир ибн Имом Зайнулобидин ибн Имом Хусайн ибн Амирул мўминин Ҳазрат Али (Ўроқхон, 2015: 33) (каррамаллоҳу важҳаҳу) эканини маълумот сифатида бериб ўтиш ўринлидир.

Муҳаммад Мусохон хожа Сармежийнинг ўғли Яҳё хожа, унинг ўғли Жалолиддин хожа, унинг ўғли Низомиддин хожа (ваф. 1925), унинг ўғли Нарзуллахон (1908-1986), унинг ўғли Ўроқхон (Рафиъиддинхон) хожи тиббиёт соҳасида узоқ йиллар фаолият кўрсатган, бугунги кунда дуогўй-нуроний отахонлар қаторида умргузаронлик қилиб келмоқда.

Учинчи қабртошда номи келтирилган Зайниддин хожа вафоти санаси (1302/1884-85 йил)га кўра, у Яҳё хожанинг ўғли, Жалолиддин хожанинг ака (ёки ука)си бўлганини тахмин қилиши мумкин. Бу (ва унинг ўғли Фазлиддин хожадан кейинги авлодлар) масала(си)ни кейинги тадқиқотларга оширамиз.

Муҳаммад Мусохон хожа Сармежий хуфия ва жаҳрия тариқатларида фаолият олиб боргани, унинг сисиласи шогирди Муҳаммад Умар орқали Хоразм ҳудудларига тарқалгани ва Бухоро амирлигида оз муддат бўлса-да шайхулислом лавозимида фаолият кўрсатгани маълум бўлди. Шунингдек, унинг авлодлари номи ва фаолияти ҳамда улар дафн этилган зиёратгоҳда қабртошлардаги эпиграфик маълумотлар асосида вафот саналари аниқланди. Авлод вакилларига тегишли тарихий ҳужжат илмий муомалага киритилди ва унда акс этган муҳрларнинг тавсифи берилди.

Марказий Осиёда XVII пайдо бўлган нақшбандия-мужаддия силсиласи XVIII-XIX асрларда кенг ҳудуд бўйлаб ёйилганини кўришимиз мумкин. Ушбу даврда нақшбандия-мужаддия тариқати силсиласи бир неча тармоқларга бўлингани ва уларнинг ўзаро, жуда яқин муносабатда бўлгани аён бўлди.

Нақшбандия-мужаддия таълимоти шаклланиши жараёнида кўпгина тариқатлар умумийлаштирилгани сабабидан бўлса керак, бир вақтнинг ўзида ҳам хуфия, ҳам жаҳрия зикр қилиш анъанасини учратиш мумкин.

Мусохон хожа Сармежий ва унинг авлодлари узоқ йиллар мобайнида силсилани узвий давом эттиргани оилада таълим-тарбияга эътибор юқори бўлганини, шунингдек, алломанинг шайхулислом лавозимида ва нақшбандия-мужаддия тариқати муршиди сифатида фаолият олиб боргани унинг юксак салоҳият соҳиби эканлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бухорий, Н. (1328/1926). *Тухфатуз зойирин. Тошбосма*. Бухоро.
2. Даҳбедий, М. *Миръотус соликийн. Қўлёзма*. Ориф Хикмат кутубхонаси инв. №1710-261/44.
3. Комилхон, К. (2016). *Маҳдуми Аъзам тарихи ва мукаммал даҳбедийлар тариқати*. Тошкент: MASHHUR-PRESS.
4. Рустам, Х. (1996). *Хатирчи тумани тарихидан лавҳалар*. Тошкент: ФАН.
5. Суюндик, М. (2010). *Хатирчининг табаррук сиймолари*. Тошкент: Muhammad.
6. Ўроқхон, Н. *Ибратли ҳаёт гушани*. 2005: Тошкент: Мовароуннаҳр.
7. Хайдархон, Ю. (2008). *Мусохон Даҳбидийнинг Нақшбандийа-Мужаддийа тариқати ривожда тутган ўрни (XVIII аср). Тар. фан. ном. ... дис.* Тошкент.

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД
ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ МАРКАЗИ

ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА TUTGAN ЎРНИ

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ
МАТЕРИАЛЛАРИ

Оригинал – макетдан босишга рухсат этилди: 22.06.2023.
Бичими 60x84. Кегли 16 shponli. «Palatino Linotype» гарн.

Офсет босма усулида. Офсет босма қоғозида.

Босма табоғи 15,25. Адади 150

Буюртма № 156.



«Шарқ – Бухоро» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Бухоро шаҳар Ўзбекистон Мустақиллиги кўчаси, 70/2 уй.

Тел: 0(365) 222-46-46